* Силосное, лёгкое

* Хронический ГипПн * Туберкулез * Идиопатический лёгочный фиброз * Саркоидоз * Пневмоциноз * Склеродермия * СКВ * Зоицинофильная гранулёма * Карциноматозный лимфангит * Грибковые поражения лёгких * Пневмоцистная пневмония * Гемосидероз * Опухоли и их метастазы.

ЛЕЧЕНИЕ

- * Прекращение воздействия аллергена * Острая форма (тяжёлое течение) * Глюкокортикостероиды - преднизолон 30 мг/сут или его аналоги в эквивалентных дозах в течение 1-2 нед, с последующим постепенным снижением дозы в течение 2 нед. до 20 мг/сут., а затем - на 2,5 мг/нед. вплоть до отмены
- * Оксигенотерапия, бронхолитические, жаропонижающие, противокашлевые средства - при необходимости * Антибиотики - только при присоединении инфекции * Хроническая форма-лечение глюкокортикостероидами продолжают в случае положительной клинической и рентгенологической динамики.
- * Осложнения * Прогрессирующий интерстициальный фиброз * Хроническое лёгочное сердце.
- * Прогноз хороший при остром ГипПн и своевременной элиминации и эффективном лечении начальных стадий заболевания.
- * Профилактика * Борьба с загрязнённостью на рабочем мес-

те * Использование защитных масок * Очистка систем вентиляции, кондиционеров и рабочих помещений.

* Синонимы * Экзогенный аллергический альвеолит * Аллергический интерстициальный пневмонит.

См. также. Лёгкое фермера, Болезнь лёгких диффузная интерстициальная, Недостаточность дыхательная, Сердце лёгочное хроническое.

* Сокращение * ИК - иммунные комплексы.

МКБ. 167 Гиперчувствительный пневмонит, вызванный органической пылью.

* Примечания * Остаточный объём (ОО) - объём воздуха, остающийся в лёгких после максимально усиленного выдоха * Средняя объёмная скорость (СОС25 75 %) - скорость потока форсированного выдоха в его середине (т.е. между 25 и 75 % ФЖЕЛ). СОС25 75 % прежде всего отражает состояние мелких ВП, что более информативно, чем ОФВ1 при выявлении ранних обструктив-

ных нарушений, и не зависит от усилия * Объём форсированного выдоха за первую секунду (ОФВ1) - объём воздуха, изгоняемый с максимальным усилием из лёгких в течение первой секунды выдоха после глубокого вдоха. Прежде всего ОФВ1 отражает состояние крупных ВП и часто выражается в процентах от ЖЕЛ (нормальное значение ОФВ1 = 75 % ЖЕЛ) * ОФВ1/ФЖЕЛ - отношение ОФВ1 к ФЖЕЛ (индекс Тиффно), выраженное в процентах (в норме больше или равно 70%). Значение ОФВ1/ФЖЕЛ, прямо пропорционально силе выдоха, важно для выявления обструктивных нарушений, но также помогает в диагностике рестриктивных расстройств. Снижение только ОФВ1 (ОФВ1/ФЖЕЛ < 70 %) свидетельствует об обструкции; снижение обоих показателей указывает на рестриктивную патологию * Растяжимость лёгких (С) определяют по наклону кривой давление- объём (P-V) над уровнем дыхательного объёма: C=V/P (в норме 200 мл/см вод.ст.).

(Из книги «Медицинские стандарты основных аллергических заболеваний». Под ред. проф. А. НАЗАРОВА). (Продолжение следует).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ 1998-2004 ЙИЛЛАРИДА ИСЛОХ ҚИЛИШНИНГ ЯҚУНИЙ НАТИЖАЛАРИ

(Охири. Боши ўтган сонларда).

Барча солиқлардан озод бўлиш, божхона тўловлари, шунингдек, пенсия ва йўл жамғармаларга ажратмалар қилингандан сўнг, марказлар ихтиёрида қолган маблағлар ҳажми, 149,8 миллион сўмини ташкил этди ёки 2003 йил билан таққослаб кўриладиган бўлса, бу кўрсаткич 3 баробар ошган. Юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёзларнинг тақдим этилиши моддий-техник базани ривожлантириш учун қўшимча захиралар яратиш имконини берди.

Марказларда юқори малакали, юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатишни бундан бўён тартибга келтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 июндаги 264-қарори билан шошилич беморларни даволаш учун ҳаражатларнинг ўрнини қоплаш тартиби ва квотаси белгиланди. Урология маркази учун квота 2 фоиз ҳажмида, Кўз микрожарроҳлиги маркази учун – 3 фоиз, Кардиология маркази учун – 5 фоиз ва Жарроҳлик маркази учун – 8 фоиз қилиб таъинланди.

2004 йил 1 июлдан бошлаб шошилич беморларни госпитализация қилиш тасдиқланган меъёронмалар билан амалга оширила бошланди ва шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳаражатлар ўрнини тўлдириш тартибга солинди.

Вазирлар Маҳкамасининг кўрсатиб ўтилган қарори билан марказларнинг ўз-ўзини молиялаштириш ва ўз-ўзини қоплашга ўтиш жаҳдвали белгилаб берилди, шунга мувофиқ ҳолда, ана шу жиҳатлар асосида 2005 йилдан бошлаб Кўз микрожарроҳлиги маркази, 2006 йилдан бошлаб Кардиология маркази, 2008 йилдан эса Урология маркази ва академик В. Вохидов номидаги Жарроҳлик маркази янги асосда ушлага ўтади.

Бугунги кунда марказларни замонавий юқори технологияли тиббий асбоб-ускуналар билан тўлдириб жиҳозлаш муаммоси долзарб бўлиб турибди. Бу масалани ҳал этиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳорижий кредитли институтлар маблағлари, халқаро ташиқлотларнинг грантларини жалб қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

VI. Соғлиқни сақлаш тизимининг нодавлат тармоғини ривожлантириш

Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг бош жиҳатларидан бири, тиббий хизмат кўрсатишнинг давлат тармоғи билан тенг асосда рақобатлаша оладиган нодавлат тармоғини яратиш ҳисобланади.

Давлат даволаш-профилактика муассасалари билан бир қаторда, тиббий хизмат кўрсатишнинг хусусий тармоғи ҳам ривожланмоқда.

Хусусий тармоқда тиббий

хизматлар ташкил этилишини такомиллаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йил 31 октябрда «Тиббий ва фармацевтик фаолиятни лицензиялаштириш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 477-қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 1500 дан зиёд хусусий тиббий муассасалар фаолият кўрсатмоқда ва 1500 дан зиёд шифокорлар яққа тартибдаги иш фаолиятини амалга оширмоқда.

Хусусий тиббий тармоқ шашоқчаларининг барқарор ривожланаётганлиги оқими қайд этилмоқда. Агар 2002-2003 йилларда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг лицензиялаштириш комиссияси томонидан хусусий тиббий муассасаларга жами 412 та лицензия берилган бўлса, биргина 2004 йилнинг ўзида ушбу кўрсаткич 356 тага ташкил этди.

Юқорида баён қилинганларнинг бари тиббий хизматлар бозорининг вужудга келгандан далолат беради, бу эса давлат соғлиқни сақлаш тизимининг муқобили пайдо бўлди, деган маънони англатади. Аҳоли эндиликда давлат ва хусусий тиббий хизмат ўртасида ўзига маъқулни танлаш олиш имкониятига эга бўлди.

VII. Санитария-эпидемиологик барқарорлик

Давлат дастурининг асосий йўналишларидан бири мамлакат аҳолисининг санитария-эпидемиологик барқарорлигини таъминлашдан иборатдир.

Санитария-эпидемиология хизмати томонидан 2004 йили кўшни республикалар ва хориж мамлакатларида республика ҳудудига ўта хавfli инфекциялар ва бошқа карантинли касалликлар тарқалишининг кириб келишига, шунингдек, ўткир ичак инфекциялари, безгак, вирусли гепатит ва бошқа инфекциялар бўйича маҳаллий эпидемик асоратларнинг ўсишига йўл қўйилмади. Давлат санитария-эпидемиология назоратининг ўта эпидемик аҳамиятга эга бўлган объектилари: сув таъминоти, оқава сувлари, санитария тозалаш ишлари, болалар ва мактабгача тарбия, озик-овқат, даволаш-профилактика муассасалари, саноят корхоналари ва қишлоқ хўжалиқ ишларидаги назоратининг самарадорлиги оширилди.

Эпидемияга қарши ва профилактик тадбирлар мажмуининг ўз вақтида ва мақсадга йўналтирилган тарзда ўтказилиши натижасида, 2004 йили республикада кўплаб юқумли касалликларнинг сезиларли даражада пасайишига эришилди. Республика аҳолисини бошқариладиган инфекцияларга қарши эмлаш (вакцинация) ва ревакцинациялаш 2004 йили 95,6-98,2 фоизга бажарилди. 2001 йили республика Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг «Еввойи полиомиелит вирусидан озод мамлакат» сертификатига эга бўлди. 2004 йили кўшни мамлакатлардан полиомиелит кириб келишига йўл қўймаслик мақсадида, Тожикистон ва Афғонистон билан

чегарадош 8 та вилоятда эмлаш бўйича миллий кунлар ўтказилди. «Кизамик элиминацияси» дастури бўйича ишлар олиб борилмоқда. Сўнгги йилларда республикада янги туғилган чақалоқлар орасида дифтерия, куйдириги ва қоқшол касалликлари қайд этилмади. 2003 йил билан таққослаб кўрилганда, эпидемик паротит билан касалланиш – 55,7 фоизга, грипп билан касалланиш – 35,3 фоизга ва ўткир респираторли инфекциялар билан касалланиш – 11,4 фоизга пасайгани қайд этилган. Паратиф билан оғриган беморлар сони – 25,2 фоизга, бруцеллез билан оғриган беморлар сони – 15,5 фоизга, кўк йўтал билан оғриган беморлар сони – 15,8 фоизга, бошқа сальмонеллезли инфекциялар билан оғриган беморлар сони – 6,4 фоизга, бактериал дизентерия билан касалланиш ҳолати – 10,2 фоизга пасайган.

Алоҳида йилларда (1990-1997) вирусли гепатит билан касалланиш кўрсаткичлари 100 минг аҳоли жон бошига 627,3 дан 882,0 гачани ташкил этган. Вирусли гепатит билан касалланишнинг 2004 йилги кўрсаткичлари 100 минг аҳоли жон бошига 149,8 фоизни ташкил қилган.

Республикада вирусли гепатитнинг В турига қарши давлат даражасида каттагина профилактик ишлар ўтказилмоқда. 2001 йилнинг октябр ойларида бошлаб барча янги туғилган чақалоқлари вирусли гепатит В га қарши эмлаш ишлари бошлаб юборилган, қамраб олиш 98,6-99,1 фоизни ташкил этмоқда. Мана шу тадбирлар туфайли вирусли гепатит В билан оғриган беморлар сони 2004 йили 1991 йилга нисбатан 11,3 мартага камайган.

Карантинли ва ўта хавfli инфекцияларнинг кириб келиши ва тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида республиканинг давлат чегаралари кешиадиган жойлардаги ҳудудларида 96 та санитария-назорат пунктлари ташкил этилган ва иш олиб бормоқда. Республиканинг чўл ва тоғ ҳудудларидаги ўлат эпизоотиясини ўрганиш бўйича 34 та махсус бригада ўлатнинг табиий ўчоқларида иш олиб борган.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон Республикаси ОИВ/ОИТС, сил ва безгак бўйича Глобал жамғарманинг умумий қиймати 40 миллион АҚШ долларида зиёд суммадаги жами учта грантини кўлга киритди. Шунингдек қайта этиш лозимки, фақат иккита мамлакат – Грузия ва Ўзбекистон мазкур учта касалликлар бўйича Европа минтақасининг ва шунингдек Глобал жамғарманинг барча грантлари эга бўлган.

Ўзбекистон Республикасига келтириладиган ва шу ерда ишлаб чиқариладиган озик-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ҳамда сифатини таъминлаш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2004 йил ичида Давлат санитария-эпидемиоло-

гия назорати органлари томонидан 84 тоннадан ортиқ озик-овқат маҳсулотлари, шу жумладан, амалдаги санитария меъёрлари ва қоидаларига биноан, 48 тонна хавфсизлик ўлчовлари бўйича мувофиқ келмайдиган импорт маҳсулотлари истеъмол учун яроқсиз деб топилди.

Аҳолида учрайдиган йод танқислик ҳолати ва камқонлик (анемия)нинг олдини олиш мақсадида 5 та минтақадан (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Жиззах, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида) каллий-йодат қўшилган тузлар ва темир ҳамда витаминлар билан бойитилган ун ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Санитария-эпидемиология хизмати томонидан йодланган туз сотиш устидан қатъий назорат ўрнатилган. Қишлоқлик натижасида кўра 2004 йили таркибида йод микдори паст ёки умуман мавжуд бўлмаган 850 тоннадан зиёд тузлар сотувдан олиб ташланган.

Мақсадга йўналтирилган тадбирларнинг ўтказилиши натижасида 2004 йили Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги таъминланди.

VI. Сихат-саломатлик йилида соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг бирламчи йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йилни «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилиши муносабати билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан энг аввало одамларда бебаҳо бойлик бўлган ўз соғлиқини сақлашга тўғри ва маъсулиятли муносабатда бўлиш, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, ўз ҳаёт фаолиятини оқилона ташкил қилиш, зарарли одатлардан воз кечиш, соғлом бўлишга, жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишга интилишга йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантириш, инсоннинг яққа тартибдаги онги ва ҳулқ-атвориға таъсир ўтказиш, тиббий-гигиеник билимларини оширишга қаратилган бир қатор тадбирлар белгилан олди:

* оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она соғлиқини мустаҳкамлаш ва соғлом фарзанд туғилиши, соғлом она – соғлом бола мақсадида вазифасини амалга ошириш, республиканинг барча аҳоли пунктлари, энг аввало, қишлоқ аҳолисини «Она ва бола скрининги» дастури билан қамраб олиш борасида бошланган ишларини давом эттириш, барча лойиҳа ва тадбирларни тўла-тўқисни ҳоҳшига етказиш;

* репродуктив саломатлиқни яхшилаш бўйича тадбирларни амалга оширишнинг давом эттириш, оилага вазийлик қилиш, ёшларни оилавий ҳаётга ва соғлом оила қуришга тайёрлаш бўйича белгиланган тадбирларни жорий қилиш;

* аҳоли, айниқса, қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолининг гигиена соҳасидаги маълумоти ва маданиятини ошириш;

* гиёҳвандликка, чекишга, юқумли касалликлар, шу жумладан, сил касаллиги ва ОИВ/

ОИТС тарқалишига қарши курашда жамоатчилик ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш;

* кекса ёшдаги пенсионер ва ногиронлар, фахрийларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш;

* аҳолининг кенг қатламлари фойдалана оладиган ва сифатли соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, аввало, қишлоқ жойларда тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, замонавий ташхис ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, улардан самарали фойдаланишни таъминлаш;

* тиббиёт кадрлари, биринчи навбатда, ўрта тиббиёт ходимлари ва олий малакали ҳамшираларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш. Тиббиёт кадрлари тайёрланадиган мутахассисликлар рўйхати, таълим андозалари ва ўқув дастурларини танқидий қайта кўриб чиқиш;

* тиббиёт ходимларининг мураккаб ва маъсулиятли меҳнاتини моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, кичик тиббиёт ходимлари ва ҳамшираларнинг меҳнат ҳақини оширишга, соғлиқни сақлаш ходимларининг меҳнатиға тиббий хизматларнинг мураккаб қараб табақалаштирилган тарзда ҳақ тўлаш, тармоқ тариф септасини жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш, бунда мамлакатда инсон ҳаётини сақлаб қолиш, соғломлаштириш ва даволаш бўйича тегишли мактаблар ҳамда йўналишларни шакллантириш мақсадида, биринчи навбатда, кардиожарроҳлик, нейрожарроҳлик, реаниматология, неонатология, микрожарроҳлик, интервенциявий кардиология, эндовидио жарроҳлик каби бошқа энг муҳим замонавий тиббиёт йўналишлари бўйича юқори малакали ва атоқли мутахассис врачларнинг меҳнатиға ҳақ тўлаш борасида зарур шарт-шароитларни яратиш.

Ўзбекистон Республикаси ва Кувейт давлати ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик дастуриға мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан МТК ва МШКнинг шошилич тиббий ёрдам бўлиmlарини тиббий ускуналар билан жиҳозлаш бўйича лойиҳа тайёрланмоқда. Кувейт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси томонидан имтиёзли молиялаштириладиган мазкур лойиҳанинг қиймати 20 миллион АҚШ доллари микдорида баҳоланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

ПАРРАНДА ГРИППИДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ

**Кейинги кунларда оммавий ахборот воситаларининг маълумотлариغا кўра, жаҳоннинг кўпгина мам-
дактларида олимлар томонидан ҳозирги кунга қадар
тўлиқ ўрганилмаган парранда гриппи бўйича мурак-
каб эпизоотик вазият юзага келган. Мазкур вазият
ушбу касалликни республикамиз ҳудудига четдан ки-
риб келиш хавфини янада кучайтирмоқда.**

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг берган маълумотиغا қараганда ушбу касаллик Жануби-Шарқий Осиё давлатларида кенг миқёсда тарқалиши кузати-
лмоқда. Жумладан, касаллик Таиланд, Лаос, Индонезия, Япония, Хитой, Бангладеш, Корея, Сингапур, Камбоджа, Вьетнам ва Покистон каби давлатларда тарқалганлиги ҳақида хабарлар бор. Хитой давлатининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган маълумотлар бўйича Хитойнинг Сичуан вилоятида этиологияси аниқланмаган касалликдан 27 та одам нобуд бўлган. Хитойнинг бошқа ҳудудларида ҳам парранда гриппи вирусининг аниқланганлиги тўғрисида маълумотлар тарқатилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида Россия Федерациясининг Новосибирск, Омск, Қозғоистон Республикасининг Павлодар ва Шарқий Қозғоистон вилоятларида ҳам парранда гриппи бўйича эпизоотик вазият мураккаблашди. Ушбу ҳудудларда минглаб товуқ, ўрдақ ва фозлар парранда гриппидан нобуд бўлди.

Ўтган 2004 йил ва жорий йилнинг бошларида парранда гриппи вирусининг ўзгаришчанлиги исботланди. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти, Озёк-овқат ташкилоти Жаҳон эпизоотия бюроси билан ҳамкорликда парранда гриппининг олдини олиш, ушбу касалликка қарши чораларни мувофиқлаштириш бўйича тадбирлар мажмуини амалга ошириш тўғрисида декларация қабул қилди. Хитойда парранда гриппига қарши Бунхитой штаби ташкил этилди. Вьетнам, Покистон, Афғонистон, Хитой, Россия каби давлатлар парранда гүштини четдан олиб кирмаслик ва чет давлатларга чиқармаслик тўғрисида қарорлар қабул қилди.

Республикада парранда гриппини четдан кириб келишининг олдини олиш борасида ўтказилаётган қатор тадбирлар сабабли ушбу касаллик бўйича эпизоотик ва эпидемик барқарорлик таъминланмоқда. Маълумки, грипп ва ўткир респиратор касалликлар айнан куз ва қиш ойларида авж олади. Табиатда мавжуд бўлган 200 дан ортиқ вируслар одамларда касалланишни юзага келтириб, ўткир респиратор касалликларни белгиларини тўлиқ намоён қилиши мумкин. Парранда гриппи H5 N1 вируси ҳисобланиб, ўткир вирусли, ўткир шамоллаш, кучли интоксикация, юқори ҳарорат, нафас йўллариининг яллиғланиши, баъзан қайт қилиш ва диарея билан кечадиган юқумли касаллик ҳисобланади.

Парранда гриппи вирусини аслида товуқ, ўрдақ, гоз, қанарейка, тўти ва бошқа қушларда касалликни юзага келтириб уларнинг нобуд

бўлишига олиб келади. Фақат айрим ҳолатлардагина мазкур вирус одамларда учрайдиган вируслар билан ча-
тишиб одамлар ва паррандалар учун бир пайтнинг ўзида хавфли бўлган касалликни юзага келтириши мумкин.

Касаллик манбаи касалланган парранда ва бемор одам бўлиши мумкин. Касалликнинг яширин даври бир неча соатлардан 3-5 кунгача бўлади. Касалликнинг асосий клиник белгилари: бош ва мушакларда кучли оғриқ пайдо бўлиши, беморнинг тана ҳарорати 40-41 даражагача кўтарилиши, юз, қовоқ шишиши, бурун бити ундан суюқлик ажрала бошлаши, қайт қилиш ва баъзан ич кетиши билан кечади.

Парранда гриппи ҳам бошқа респиратор касалликлар сингари ҳаво томчи йўллари орқали тарқалиши мумкин. Жорий йилнинг август ойида аввалги йиллардагидек Республика Бош давлат санитария врачининг грипп ва бошқа ўткир вирусли респиратор касалликларнинг олдини олиш бўйича қарори тайёрланди ва унинг ижроси республикада ушбу касалликлар бўйича эпидемик барқарорликни таъминлаш имкониятини беради.

Соғлиқни сақлаш вазирлигида грипп ва ўткир респиратор касалликлар бўйича вазиятга қараб эпидемияга қарши штаб тузиш кўзда тутилган. Штаб таркибига Илмий тадқиқот ва Тиббиёт институтлари олимлари, малакали мутахассислар ва тегишли вазириликларнинг мутасадди ходимларини жалб қилиш режалаштирилган.

Республиканинг етук мутахассисларидан иборат консультатив бригадаларни республиканинг ҳамма ҳудудларига бириктириб қўйиш, барча турдаги дорихоналарда грипп ва ўткир респиратор вирусли касалликларга қарши дори-дармонлар захирасини яратиш ҳамда эпидемик вазиятни эътиборга олиб, узлуксиз кечаю-кундуз ишлайдиган дорихоналарнинг сонини кўпайтириш чоралари қўрилмоқда. Маҳаллий тиббиёт ходимларининг парранда гриппи бўйича хушёрликлари оширилди, давлат санитария-эпидемиология марказларининг вирусология лабораториялари шай ҳолга келтирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар ДСЭНМларининг вирусологик лабораторияларида ТОРС, парранда гриппи, грипп ва ўткир респиратор касалликларига лаборатория усулида ташхис қўйиш учун етарли миқдорда диагностика кум, реактив ва озуқа мухитлари захираси яратилган.

Республика ҳудудига парранда гриппи, атипик пневмония ва шунга ўхшаш касалликларнинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишда барча мутасадди вазириликлар, кўмиталар, қорхона ва ташкилотлар фаол иштирок этишлари лозим. Юқорида айтиб ўтилганларни инобатга олган ҳолда, республика аҳолиси ўртасида парранда гриппи, атипик пневмония ва бошқа ўткир респиратор касалликларнинг кўплаб тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида куйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур, жумладан:

Мутахассис огоҳлантиради

- парранда гриппи, грипп ва ўткир респиратор касалликларнинг ташхиси ва уларнинг олдини олиш мақсадида зарур бўлган диагностика усуллар ва дори-дармонлар харид қилиш учун жойлардаги соғлиқни сақлаш ва санитария-эпидемиология назорати марказлари талаблари асосида ҳокимликлар томонидан етарли миқдорда маблаг ажратилиши;
- жойлардаги соғлиқни сақлаш ташкилотларининг талаблари асосида парранда гриппи, грипп ва ўткир респиратор касалликлар билан оғриган беморларга шифохона ва уй шароитида ёрдам кўрсатишни яхшилаш мақсадида қўшимча автотранспорт ва ёқилғимой ажратилиши;
- аҳоли кўплаб тўпланадиган жойларида ҳамда ишлаб чиқариш қорхоналарида хоналарни вақти-вақти билан шамоллатиш ва кузқиш кунлари иситиш тизимларининг талаб даражасида ишлашини таъминлаш;
- ўқув-тарбия муассаларида тарбияланувчи ва ўқувчилар орасида атипик пневмония, парранда гриппи, грипп ва бошқа ўткир респиратор касалликларини ўз вақтида аниқлаш мақсадида ерталлабки "фильтр" (тиббий кўрик) ўтказилишини ташкил этилиши;
- оммавий сафарбарлик билан ўтказиладиган маросимларни ва эпидемик жиҳатдан нохуш ҳудудларга сафарларни қамайтириши;
- жамоат транспорт хайдовчилари ва уларда хизмат қилувчи кондукторлар, аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган соҳа ходимларини парранда гриппи, грипп ва ўткир респиратор касалликларидан ҳимоялаш учун етарли миқдорда доқа ниқоб ва бошқа ҳимоя воситалари билан тўла таъминлаш;
- театр, кинотеатр ва концерт ҳамда видеозалларда ҳар бир сеансдан кейин хонани шамоллатиш ва сеанслар оралиги узайтирилишини таъминлаш;
- мулкчилик шаклидан қатъи назар, тайёр дори воситалари билан савдо қилувчи дорихоналарда ҳароратни туширувчи, грипп ва ўткир респиратор касалликлар билан оғриган беморларга зарур бўладиган дори-дармонлар, доқа ниқоблар захирасини яратиши;
- аҳоли ўртасида парранда гриппи, атипик пневмония, грипп ва бошқа ўткир респиратор касалликлар бўйича санитария-тарғибот ишларини кучайтириши.

**Саидмурод САЙДАЛИЕВ,
Давлат санитария-эпидемиология
Департаментининг
бошлиғи.**

Ҳозирги кунда бутун дунё халқлари наркотик моддаларга қарши курашиб келмоқда. Лекин шундоқ олдимизда учрайдиган, кўпчилигимиз эътибор бермай келадиган "Носвой" ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз, кам гапирамиз, кўрсак ҳам эътибор бермаймиз, унинг зарари ёки фойдаси ҳақида ҳеч нарса билмаслигимиз мумкин. Куйида айнан мана шулар хусусида сўз юритишни лозим топдик.

Носвой нима ўзи? У нимадан ташкил топган, қандай тайёрланади, неча тури бор. Одам организмга салбий таъсири борми?

Носвой наркотик кўчасига кириш учун бошланғич йўл ҳисобланиши мумкинми? Фақат қўлбола усулда тайёрланган ушбу моддани балоғат ёшига етмаган ёшлар ҳафсала билан чекаётганликларини учратамиз. Лекин ушбу модданин инсон организмга таъсири ҳақида улар ҳеч нарса билмасликларини мумкин.

Носвой нимадан таркиб топган? Ушбу маҳсулотнинг номи "нос" ўсимлиги билан боғлиқ бўлиб, у носвойнинг асосий таркибин ташкил этувчи модда ҳисобланади.

Носвой, мазкур ўсимлик баргига сўндирилган оҳақ, баъзи бир ўсимликларнинг баргидан ҳамда товуқ гўнгидан қўшиб тайёрланадиган маҳсулот бўлиб баъзи бир ҳолатларда унга наша ҳам қўшиб тайёрланаётганлиги ҳақида эшитамиз. Юқоридаги барча моддалар майда-лағичдан ўтказилиб, целлофан қопча солиниб аралаштирилади, шунда у узунчоқ шаклга келди. Республикаимизнинг баъзи бир бозорларида носвойни кукун

ҳолда сотишаётганликларини учратишимиз ҳам мумкин. Агар у янги тайёрланган бўлса, тўқ яшил рангда, эскириб қолганлари эса қорамтир рангли кукунга ўхшаб бўлади. Жуда эскириб кетгани эса кулранг тус олади. Носвой ҳозирги кунда бозорларда сигаретнинг ўрнига чекиш учун сотилимоқда.

Инсонларнинг организмга таъсири қандай бўлиши мумкин? Носвой чекиш оқибатида одам куйидагича ҳолатга тушади: носвой пастки лабнинг ёки тилининг тагига ташланганидан сўнг, бир оз вақт ўтгач оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватини қиздиради, бошни оғирлаштириб қўяди, бироздан сўнг бутун тана оғирлашади, кўз олди хиралашади, бош айланиш ҳолати кузатилади, сўлак ажралаиб чика бошлади, бош айланиши кучайиб, кўз қорачиқлари кенгайди, бутун тана мушаклари бўшади. Носвойни биринчи бор истеъмол қилувчиларнинг бир оз эси оғиши, боши айланиб «эйфорик» ҳолатига тушишлари кузатилади. Носвойни меъьеридан ортиқ истеъмол қилиш натижасида юрак уриши тезлашди, қон босими кўтарилди, нафас олиши тезлашиб, ҳансираб, терлаб кетади, ошқозонда шира ажралаши кучаяди, тез-тез сув ичгиси келади, хушидан кетиш ҳолати ҳам кузатилиши мумкин.

Агар носвойни чекиш даврида сўлак ёки носвой бўлакчалари ютиб юборилса, кўнгил айнаши, қусиш, ич кетиш ҳолатларини келтириб чиқаради. Носвой чекишдан олинган роҳат енгил бош айланиши, қўл ва оёқларнинг жимирлаши, кўз олдини хиралашуви бўлиб, одамни бўшаштиради — бу ҳолат 5-10 дақиқа давом этади. Носвой таркибига товуқ гўнгини қўшиб, антисанитария усулида тайёрлашлари оқибатида хар хил ичак инфекциялари ва паразитлари билан зарарланиш хавфи кучли бўлади. Чекувчиларда гижжа, вирусли гепатит ва ичак инфекциялари касалликлари, оғиз бўшлиғи касалликлари билан оғриш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Булардан энг оғири оғиз

бўшлиғи шиллиқ қавати ва оғват ҳазм қилиш тизимининг зарарланишидир. Носвойни узоқ вақт чекиш оқибатида ошқозон яраси касаллиги, оғиз бўшлиғида рак касалликларини келтириб чиқариши мумкин.

Ёшларнинг носвой чекиш сабабларидан бири, бу носвойни сигарет ўрнини босиши ёки сигарет чекишни ташлаш учун бир восита деб би-
лишларидир. Аслида эса ундай эмас, носвой сигаретнинг ўрнини босувчи эмас, балки ўша тамакиннинг ўзи бўлиб, никотинга бўлган тобе-
лик сақланибгина қолмай, балки организмга сигарет чеккандан ҳам кучлироқ зарарли таъсир этади. Инсон носвой чекканида сигаретдан кўра бир қанча кўп миқдорда никотин қабул қилади, оғиз бўшлиғида сўндирилган оҳақ таъсирида кўпгина касалликлар пайдо бўлади.

Носвойни психотроп моддалар қаторига қўйиш мумкин. Чунки у бало-
ғат ёшидаги ўсмирларнинг тафаккури ривожланиши ва

НОСВОЙ НИМА?

э с л а ш

қо би-
лятини па-
сайтиради, ёш-
ларни хаёлла-
р килиб қўяди. Анкета
сўрови натижаларига кўра
мактаб ўқувчиларининг 15 таси-
дан 9 таси синфдошлари носвой че-
кишларини айтишган, улардан 5 на-
фари ўзлари чекиб туришларини тан
олишган. Бундан хулоса шуки, улар
катталарга тақдир қилиш учун нос-
ви истеъмол қиладилар. Носвой
чекишни бошлаган ёшлар ўзларида
наркотик моддаларга нисбатан мой-
иллик ҳосил бўлаётганлигини бил-
майдилар. Энг катта хавф — бу нос-
войнинг таркиби нималардан таш-
кил топганлигини билмаслигимиз-
дир. Уй шароитида қўлбола усуллар
билан носвой тайёрлаб сотувчилар
«носвой»ни тайёрлашда уни тез со-
тиш ва харидориги чиқариш учун унга
(наша барги, героин кукун, кўкно-
ри) ёки бошқа наркотик воситалар,
текирирувдан ўтмаган, организм учун
зарарли бўлган моддаларни қўшиб
юборишлари мумкинлиги, шунинг
учун носвой кучли бўлиб харидор-
лар сотувчинини қидириб фақат ундан
носвой олиб кетишлиги, улар сотув-
чининг доимий харидорига айла-
нишлиги тўғрисида кўп эшитганмиз.
Ёшларнинг орасида носвойни сотиш
ва тарқатиш пухта ўйланган бўлиб,
гиёҳванд моддаларни сотувчилар то-
монида ўсмирларни гиёҳвандлик-
ка жалб этишда катта аҳамиятга эга.

Героин қабул қилувчи беморлар-
нинг 20 тасидан 16 таси носвой че-
кишлари, 4 та бемор тамаки чеки-
ши кузатишган. Республикамизда
гиёҳвандликка қарши кураш жуда
авж олганлигига қарамай, гиёҳванд
моддаларнинг зарари ҳақида таъ-
лим муассасаларида, оммавий ах-
борот воситаларида қанчалик гапи-
рилмасин бунга қарши курашни
аввало оиладан бошлашимиз ло-
зим. Ўз зурриёди келажакки, бахти-
ни ўйлаган оқил ота-оналар фар-
зандлари билим оlishлари, соғлом
бўлишлари учун барча шароитлар-
ни яратиб, уларни тўғри йўлга бош-
лайдилар.

Унутманг! Халқ ҳеч қачон сигарет
ихтиро қилган, носвой ишлаб чиқар-
увчиларни эсламаган, уларни халқ
онгини заҳарловчи, соғлиғига путу-
ётказувчи, фақат ўзининг моддий
манфаатдорлигини ўйловчилар деб
билганлар.

**Ш. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Тошкент тумани нарколога,
тиббиёт фанлари номзоди.**

САМОЕ ПОЛЕЗНОЕ: РЫБА ВМЕСТО МЯСА

Средняя продолжительность жизни женщин в Японии - 84-85 лет. Причем лишний вес у местных дам - редкость. Диетологи объясняют сей феномен просто: японская кухня - самая «обезжиренная» в мире.

Житель Страны восходящего солнца ежедневно потребляет всего 58 г жира. **Здесь верны принципы: рыба вместо мяса.** А ведь даже самая жирная рыба не так калорийна, как телятина, а пользы для здоровья от нее намного больше.

Холодная среда обитания - пучины вод заставляют как породистую белугу, так и «дворняжку» хека запастись массой полезных и питательных веществ, поэтому рыба для человека - великолепный источник протеинов и настоящая кладовая витаминов - А, Д, Е, В₆. Она содержит большое количество жирных кислот омега-3, защищающих нас от сердечно-сосудистых заболеваний, укрепляющих мозговые и нервные ткани, сетчатку глаза. Эти кислоты, советуют диетологи, должны обязательно присутствовать в пище беременных и младенцев.

Новые исследования ученых обнаружили, что жирные кислоты незаменимы при хронических воспалительных заболеваниях, а также при сахарном диабете и некоторых формах рака. Морские продукты - хорошо сбалансированный источник минералов. Низкое содержание натрия, но вместе с тем высокое количество калия в рыбе оказывают благоприятное воздействие на самочувствие при высоком давлении. С морепродуктами в наш организм поступают селен, йод и фтор, причем в естественном виде и оптимальном количестве, поэтому мы не получаем-слишком большую дозу микроэлементов.

Хотя бы раз в год желательно очищать организм от вредных шлаков.

ОЧИЩАЕМ КРОВЬ

Пока мы молоды и активны, наш организм словно неустанный агрегат с легкостью успевает за безумными ритмами повседневной жизни. И нам кажется, что так будет всегда. Но, к сожалению, в реальности безупречным здоровьем никто не обладает. Совершенно неожиданно работающая «машина» дает сбой. Еще недавно вы были абсолютно здоровы - и вдруг...

ЕСЛИ СРАВНИВАТЬ РЫБУ С ДРУГИМИ ПРОДУКТАМИ...

* Нежирные сорта рыбы содержат в 100 г не более 2 г жира, а в колбасе его более 10 г. Даже в норвежской семге, достаточно жирной рыбе, наполовину меньше калорий, чем в нежирной корейке.

* Входящие в состав рыбы жирные кислоты, столь полезные для нашего самочувствия, редко встречаются в других продуктах. Самое большое количество жирных кислот омега-3 - в семге, форели и скумбрии.

* Пожалуй, одно упоминание о нем способно испортить аппетит - это **рыбий жир**. Но совсем не обязательно принимать его ложками, как микстуру. Он незаметно поступит в организм в достаточном количестве вместе с отварной или жареной рыбой и послужит здоровью столь же надежно. Как показали исследования австралийских ученых, **рыбий жир** в сочетании с традиционно используемыми препаратами из группы статинов хорошо нормализует липидный состав крови у людей с повышенной массой тела и риском сахарного диабета, что позволяет избежать болезни.

* Рыба легко усваивается - 100 г обеспечивают почти половину ежедневной потребности в белке. Но чтобы белки не стали жесткими и не потеряли

свои полезные качества, опускайте порционные куски рыбы в кипящую воду, а затем сразу уменьшайте огонь. И не варите больше 5 минут. При жарке обязательно запанируйте рыбу в муке или сухариках, предварительно обмывав в взбитое яйцо, чтобы сок не вытек.

* Для профилактики заболеваний щитовидной железы нашему организму необходимо ежедневно потреблять 150-200 мкг йода. Не придется прибегать к БА-Дам и таблеткам, если включить в ежедневное меню хотя бы 100 г рыбы - именно такая порция обеспечивает человеку ежедневную потребность в йоде. Его самое большое количество - в семге и пикше, а в речной рыбе - вполуполовину меньше.

* Когда не хватает магнезия (что часто просходит во время стресса), мы хватаемся за таблетки-антидепрессанты, между тем как рыба вполне может компенсировать нехватку «успокоительного» элемента и поможет улучшить настроение. Английские исследователи доказали, что продукты, богатые жирными кислотами омега-3, действуют как эффективное лекарство во время депрессии. А студентам и школьникам рыбное меню надо просто выписывать по рецепту-ученым премудрости с помощью магнезия скорее одолеваются.

Бу кизик

Хунук ёзиш сабаби

Бир боланинг хати илгари чиройли экан-у, лекин кейинчалик борган сари хунуллаш-верибди. Шунда отаси ўглини ёнига чакириб:

— Углим, борган сари хатинг хунук бўлиб кетаяпти, нима гал ўзи? — деб сўрабди.

— Дада-чи, дада, — депти бола, — мен доктор бўлмоқчиман. Ким хунук ёзса, доктор бўлади.

Энг қадимли операция

Хозирги кунда бош суюғини операция қилиш учун қанчадан-қанча мураккаб асбоб-ускуналар ва жарроҳнинг ниҳоятда эҳтиётлик билан ишлаши зарур. Аммо бу операция тиббиётнинг энг қадимий жарроҳлигидан биридир.

Маълумки, эраимиздан аввалги III асрда машхур грек шифокори Гиппократ баш суюғини операция қилиб кўрган.

Археологлар бундан олдинги даврларда ҳам операция қилинганидан дарак берувчи бош суюғи қолдиқларини топишган.

Шарқий Помирда тожик археологлари бундан икки ярим минг йил илгари қадимий шак қабилаларига мансуб бир аёлнинг операция қилинган бош суюғини топдилар.

Қадимий жарроҳ амалга оширган бу операция билан боғлиқ сўяк парчаси бошқа асбоблар билан бирга кўрғон қазиш пайтида топилди.

Акбар АЛИЕВ
тайёрлади.



Наманган вилоят Соглиқни сақлаш бошқармаси тизимида «Ҳамширалик иши» бўйича амалий ишлар ўзининг самарали натижаларини бермоқда. Айниқса, оилавий ҳамшираларнинг аҳоли орасига кириб бориши халқнинг тиббиёт ходимларига бўлган ишончини янада оширмоқда.



Табассум ҳам даволайди

ОЛИМ ВА ЗОЛИМ

Пошхо Афандидан сўради:

— Дунё савоби кўп ибодат қайси?

— Сизнинг уйкуда бўлишингиз, — деди Афанди.

— Нима учун?

— Чунки сиз ухлаганингизда халқ зулмдан

кутилади, сиз савобга қола-сиз, — деб жавоб берди Афанди.

ТАБИБ

Афанди табиб эди, бир куни бир хотин қизини етаклаб келди.

— Шу қизим саккиз йилдан бери тугмайди, қилмаган дори-дармоним қолмади...

Афанди сўради:

— Қизингиздаги бу касал эҳтимол тугмадир, ўзингиз тўқаймисиз?

ТУШ

Афанди ярим кечада уйғониб хотинини туртди:

— Хотин, тур кўзойнагимни топиб бер!

— Ярим кечада кўзойнакни нима қиласиз?! — деб сўради хотини.

— Тушимга шундай майда нарсалар қиряптики, кўзойнакисиз кўриб бўлмайди, — деди Афанди.

ДОНОЛАР БИСОТЛАН

Йўтал қийнаган киши турпни асал билан еса ҳам бўлади.

Эрталаблари шолғом еган киши йўталга дучор бўлмайди. Яна шолғом нафасни юмшатиб, ўпкани тозалайди ҳам.

Овози бўғилган кишига турп уруги қайнатмаси яхши фойда қилади.

Саримсоқни турп ва туз билан еган кишининг оғзи қуриб қолмайди.

Нахорда пиёз ейдиган кишининг овози тоза, равшан бўлади. Пиёз балғам тувишига кумак беради, боддан халос қилади.

Милк қонамаслиги учун оғзига зафарон қўйиб туриш керак, бу зирavor шамоллаш жараянларига ҳам таъсир қилади.

«Саломатлик-2» оналар ва болалар соглигини мустаҳкамлаш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича қўшма бюроси «Саломатлик-2» оналар ва болалар соглигини мустаҳкамлаш лойиҳаларини амалга ошириш Навоий вилояти бўйича бюросининг директори **Қуддус АБДУЛКОДИРОВ**нинг бевақф вафот этганиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Навоий вилоят соглиқни сақлаш бошқармаси вилоят «Саломатлик-2» оналар ва болалар соглигини мустаҳкамлаш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича қўшма бюросининг директори **Қуддус АБДУЛКОДИРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардик изҳор қилади.

UZBEKISTON SAGLIQNI SAQLASH BOSHQARMASI
УЗБЕКИСТОН

Gazeta muassisi:

O'zbekiston
Respublikasi
Sog'liqni saqlash
vazirligi

Bosh muharrir: Po'lat MIRPO'LATOV.

Ijrochi muharrir:
Ibodot SOATOVA.

Tahrir hay'ati raisi: F. NAZIROV.

Tahrir hay'ati a'zolari: B. ARIPOV (Bosh muharrir o'rinbosari), B. ALIMOV, G. ISLOMOVA, O. MIRTAZAYEV, O. MUHTIDINOVA, M. MIRALIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), B. NIYAZMATOV, F. OQILOV, N. OTABEKOV, X. RABBANAYEV, R. SOLIXO'JAYEVA, N. TOLIPOV, M. TURUMBETOVA, A. UBAYDULLAYEV, F. FUZAYLOV, N. SHAROPOV.

Manzilimiz: 700060, Toshkent, Oxunboboev ko'chasi, 30-uy, 2-qavat. Tel/faks: 133-57-73; tel. 133-13-22. Gazeta O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligida 2003-yilning 17-noyabr kuni ro'yxatga olingan. guvohnoma raqami 211. Adadi 9.250 nusxa. O'zbek va rus tillarida chop etiladi. Haftaning seshanba kunlari chiqadi. Maqolalar ko'chirib bosilganda O'zbekistonda sog'liqni saqlashdan olindi deb ko'rsatilishi shart. Buyurtma 7-856.

Gazeta «SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi. Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41. Hajmi 2 bosma taboq. Format A3. Ofset usulida bosilgan. Gazeta IBM kompyuterida terildi va sahifalandi. E'lon va bildiruvlardagi fakt handa dafillarning to'g'riligi ushbu reklama va e'lon heruvchilar mas'uldir.

Sahifaolovchi: Baxtiyor QO'SHOQOV.
Bosmaxonaga topshirilish vaqti 19.00.